

РЕЗЮМЕ

Маколада иккинчи жаҳон уруш йилларида ўзбек халкининг Буюк Ғалабага қўшган хиссаси, ватандошларимиз ҳаёти, жасорати ва матонати ҳамда Сурхондарё вилояти аҳолининг фронтда қўрсатган қаҳрамонликлари, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган марҳум азамат жангчиларнинг номларини эъзоз билан тилга олиш, улар билан фахрланиш каби жиҳатлар тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется вклад узбекского народа в великую победу во второй мировой войне, жизнь, мужество и отвага наших соотечественников, героизм жителей Сурхандарьинской области на фронте.

SUMMARY

The author of the article examines the contribution of the Uzbek people to the Great Victory during World War II, the life, and courage of our compatriots, the heroism of the residents of Surkhondaryo region at the front.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАРАКАТЛАРИ

А.А.Юлдашев – мустақил тадқиқотчи

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: тингловчилар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари, сайёр ўқув модуллари.

Ключевые слова: аудитория, курсы переподготовки и повышения квалификации, выездные учебные модули.

Key words: audience, retraining and refresher training courses, trip training modules.

Бугунги кунда мамлакатда банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодийнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ушбу соҳаларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш борасида Банк-молия академияси алоҳида ўринга эга. Замонавий менежмент, молиявий-иқтисодий жараёнларни стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш, банк иши, молия, солиқ иши ва инвестициялар соҳасининг замонавий билим ва амалий кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш Академиянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Академияда мамлакат иқтисодий сиёсатини тўла амалга оширилишини таъминлаш, хорижий молия институтларини ривожланиш истиқболлари, давлат ва корпоратив молияларни бошқариш, халқаро ва миллий банк, солиқ, инвестиция, суғурта ва пенсия иши, монетар фискаль ва валюта сиёсати, стратегик менежмент ва маркетинг соҳалари бўйича тингловчиларга чуқур билимлар бериб келинмоқда. Академиянинг профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан илмий-инновацион йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилиб, улар давлат ва халқаро илмий-тадқиқот дастурлари, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида илмий янгиликларга эришмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда замонавий таълим, тадқиқот шакллари ва усулларидан фойдаланиб, ўқув-методик, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот жараёнлари мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришмоқда.

Банк-молия академияси 1996 йил 2 майда молия-кредит тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш мақсадида ташкил этилди [1]. Академияга, монетар сиёсат ва пул муомаласи, молия менежменти, активлар ва пасивларни бошқариш, инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама экспертиза қилиш ва молиялаш, халқаро молия бозорларидаги операциялар ва банк аудити йўналишларида юқори малакали мутахассис ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда молия-пул тизимини ва банк ишини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий

тадқиқотларни ташкил этиб бориш вазифалари юклатилди.

Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот марказ сифатида ташкил этилган Академиянинг банк иши ва молия факультетларига бир йиллик магистратурага олий маълумотли тингловчилар қабул қилинди. Пул-молия тизимининг амалиётчи раҳбар ходимлари эса, малака ошириш факультетига қабул қилиниб, улар олти ойлик ўқув дастури асосида малака оширадиган бўлди [2].

1996-1997 ўқув йили учун 80 нафар, жумладан банк иши факультетига – 40, молия факультетига – 20, банк ва молия раҳбар кадрлари малакасини ошириш факультетига – 20 нафар тингловчилар қабул қилинди. Аъло ва яхши ўқиган тингловчиларга Ўзбекистон банклари уюшмаси ажратадиган мақсадли маблағлар ҳисобидан асосий стипендиянинг 50 фоизигача миқдорда шахсий устамалар бериш жорий қилинди. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчилар республика ва хорижий мамлакатларнинг етакчи банк ва молия муассасаларига тажриба орттириш учун юборилди.

1997 йил Академияда “Солиқ ишлари” факультети [3], 2005 йилда Лойиҳаларни молиялаштириш факультети ташкил этилди [4].

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори [5] билан Банк-молия Академиясида магистратурага қабул қилишнинг янги Низоми тасдиқланди. Бу билан академия тарихида янги давр бошланиб, инглиз тилини мукаммал биладиган, ўз мутахассислиги бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳар томонлама ўзлаштирган, дунёнинг нуфузли ўқув ва илмий марказларида, халқаро ва хорижий молиявий институтларда амалиёт ўтаган юқори малакали бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш асосий эътибор марказида бўлди.

Академия ўқитиладиган фанлар 66 тага етказилди. Акасарият фанларнинг ўқув дастурлари бойитилди, умумметодологик фанлар аниқ ихтисослашган фанларга ўзгартирилди, ўқув режага замонавий фанлар киритилди. Кафедраларнинг айримлари қайтадан ташкил этилди, айримлари бирлаштириб юборилди. Банк молия академиясида кафедларни оптималлаштирилиб, ўқитиладиган фанларни кенгайтирилганлигини куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

КАФЕДРАЛАР

№	1996 йилда ташкил этилганлар[6]	Ўқитиладиган фанлар сони	Ҳозирда фаолият юритаётган[7]	Ўқитиладиган фанлар сони
1.	Иқтисодиёт, молия ва банк иши назарияси кафедраси	4	Банк иши	9
2.	Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ кафедраси	4	Инвестициялар	12
3.	Тиллар кафедраси	1	Чет тиллари	1

4.	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил қилиш ва аудит кафедраси	4	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит	12
5.	Молиявий хизматлар кафедраси	3	Молия	9
6.	Халқаро молия ташкилотлари кафедраси	2	Пенсия ва сугурта иши	16
7.	Ахборот ва статистика кафедраси	5	Солиқлар ва солиқ солиш	7
8.	Бошқариш кафедраси	6		
9.	Кредит иши кафедраси	4		
10.	Пул муомаласи кафедраси	2		
	Жами	35		66

Ушбу кафедралар томонидан Республика иқтисодиёти тармоқларида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирда 10 та мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Банк-молия академияси фаолиятини такомиллаштириш чоралари белгиланди, академиянинг замонавий талабларга монанд янги устави ишлаб чиқилди [8]. Шунингдек, Академия тингловчиларини қабул қилиш, ўқишини кўчириш, ўқишдан четлатиш ва қайта тиклаш тартиблари ҳамда бошқарув кадрлари ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилди [9].

Икки йиллик магистратура сақланган ҳолда, банк, молия ва солиқ тизимлари, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари, мутахассислари ва юқори лавозимларга захирага олинган кадрларни қайта тайёрлаш курслари тўрт ойгача мўлжалланган дастурда амалга оширила бошланди. Манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва мутахассислари малакасини ошириш курслари бир ойгача мўлжалланган ўқув режалари ва дастурлари асосида йўлга қўйилди.

Қайта тайёрлаш курслари 16 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, ўқув юкласи 576 соатдан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқилди. 36 соатдан ошмаган аудитория машғулотлари, 48 соатдан ошмаган ҳажмда ҳафталик энг юқори ўқув юкласи белгиланди. Қайта тайёрлашнинг 2 ҳафтаси тажриба орттириш учун ажратилди.

Бу тажриба орттириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида, манфаатдор буюртмачи ташкилотлар билан келишилган ҳолда хорижий таълим муассасаларда, ихтисослашган бошқа муассасаларда ташкил этилди. Натижада тингловчиларда бошқарувчилик малакаси ва кўникмасини амалий жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда соҳада эришилган янги ютуқлар билан танишиб бориш имконияти яратилди. Бу билан тингловчилар, давлат ва нодавлат ташкилотларига таалуқли назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириб бордилар.

Малака ошириш курсларига эса, тингловчиларни қабул қилиш вазирлик ва бошқа ташкилотларнинг тегишли ёзма мурожаатлари асосида Академия ректорининг буйруғи билан қабул қилинди. Малака ошириш курслари тўрт ҳафтадан ошмаган ўқув дастурлари асосида буюртмачилар билан келишган ҳолда ташкил этилди. Унда асосий эътибор тингловчиларни аниқ мавзулар бўйича касбий билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш, соҳага алоқадор сўнги ютуқ ва тажрибалар, замонавий инновацион усулларнинг моҳиятини билан таништириш, тингловчиларда танқидий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратиб борилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг

мазмуну ва сифатига тегишли соҳалардаги янги билим ва кўникмаларни оширишга бўлган эҳтиёж даражаси, ҳажми ва мазмунини камраб олиш талаблари қўйилди. Ушбу курсларнинг сифати тингловчиларнинг билим ва амалий маҳоратлари бошқарув кадрлари ва мутахассисларига қўйилган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланди.

Академияга кирмоқчи бўлган барча номзодларга юқори даражада шахсий ва касбий, маънавий-маърифий ва одоб-ахлоқ, ишчанлик ва меҳнатсеварлик, уюшқоқлик ва масъулиятлилик сифатлари ҳамда сиёсий ва бошқарув дунёқарашининг кенглиги, танлаган мутахассислиги соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаблари қўйилди.

Шу билан бирга, Академия томонидан ҳудудларда сайёр ўқув-амалий семинарлар, малака ошириш курслари ташкил этилиб, банк, молия ва солиқ соҳасининг бошқарув кадрларининг амалий билимларини бойитиш, истиқболли режалар тузиш, ҳудудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли амалиётга жорий қилиш кўникмаларини ошириш чоралари кўриб борилди. Бунда турли интерактив машғулот ва усуллар орқали тингловчиларда фаолиятни режалаштириш ва иш режаларни сифатли ижро этиш малакалари ошириб борилди. Сайёр курслар доирасида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаб борилди.

Тараққиёт юксалгани сари ҳар бир соҳа ёки тизимда замонаг монанд янги ислохотларни амалга ошириш талаби ортиб боради. Бугун ҳам банк-молия тизимида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тизимдаги иш услубларини фуқаролар ва хўжалик субъектлари учун қулай шаклда ташкил этиш аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли, сўнги йилларда мамлакатимизда банк-молия тизимини ислох этиш ва мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари спектрларини кўпайтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Молия секторининг барқарорлиги ва халқаро молия тизимига интеграциялашувини таъминлаш, банк хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Бу эса, банк-молия тизимидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этишни, хорижий тажрибалар асосида соҳа вакилларининг билим ва малакасини мунтазам ошириб боришни талаб этади.

Шу сабабли, мамлакатда корпоратив бошқарув, молиявий менежмент, аудит, молиявий хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида банк секторининг юқори малакали кадрларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, банк ходимларини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг илгор халқаро тажрибасини жорий этиш мақсадида 2019 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Қарори[10] қабул қилинди. Ушбу Қарорда кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага асосланган тизимли ёндашувни жорий қилиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксизлиги, ўқитиш дастурларининг замонавий тижорат банклари томонидан кенг фойдаланилаётган рақамли технологияларга мувофиқлигини таъминлаш чоралари белгиланди. Банк-молия академияси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфига ўтказилиб, Академиянинг таъсисчиси этиб белгиланди. Таъсисчига Академияни 2020-2025 йилларда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, халқаро эътироф этилган олий таълим муассасалари рейтинг риўйхатига киритиш, ҳудудлардаги тижорат банкларининг филиаллари учун қисқа муддатли курслар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, стажировкалар, сайёр ўқув модуллари ва бошқа тадбирларни ўтказиб бориш каби бир қатор вазифалар юклатилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида бугунги кунга қадар Академияда салмоқли ишлар амалга оширилган. Бугунги кунга 203 нафар тингловчи, 42 нафар ўқитувчиси Япония Молия вазирлиги қошидаги Сийсий тадқиқотлар институтига, 212 нафар тингловчи, 13 нафар ўқитувчи Германиянинг Бремерхавен амалий фанлар университети, 15 нафар тингловчи Швейцария Миллий Банкидаги Герценция ўқув марказига, 21 нафар тингловчи ва 1 нафар ўқитувчи Малайзиянинг техник ҳамкорлик дастури (МХД) билан Куала-Лампурга, 200 нафардан ортиқ тингловчилар Буюк Британиянинг БАТ университети ва Лондон-Метрополитан университети, 40 нафар тингловчилар Корея Республикасининг Кеймюнг университети амалиёт ва стажировка ўташ учун юборилдилар. Шу билан бирга, ушбу муассасалардан 200 дан ортиқ етакчи олим ва мутахассислари Академияга ташриф буюриб, тингловчилар учун маърузалар, профессор-ўқитувчилар учун мастер-класслар ўтдилар.

Академия ташкил этилгандан то бугунги кунга қадар 3298 нафар магистр тайёрланди, уларнинг 1100 нафардан ортиғи хорижда амалиёт ўтаб қайтдилар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 2 майдаги ПФ-1460-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1996 йил 17 майдаги 180-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида солиқ иши факултетини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 19 сентябрдаги 445-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги ПК-56-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 16 сентябрдаги 255-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1996 йил 17 майдаги 180-сонли Қарори 16-илова
7. <http://bfa.uz>
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 15 апрелдаги 220-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги 599-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги ПК-4503-сонли Қарори.
11. <http://bfa.uz>

РЕЗЮМЕ
Мақолада Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиясининг ташкил этилиши, унинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, улардан кўзланган мақсадлар ҳамда ислохотларнинг натижалари таҳлил қилинган. Мамлакатда банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ҳамда ушбу соҳаларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда Банк-молия академиясининг ўрни тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется организация деятельности банковско-финансовой академии Республики Узбекистан, реформы направленные на развитие её деятельности, их цели и результаты. Исследована роль банковско-финансовой академии в подготовке, переподготовке и повышении квалификации управленческих кадров и специалистов отраслей банковской, финансовой, налоговой систем и реального сектора экономики страны и проведении научно-исследовательской деятельности по этим направлениям.

SUMMARY

The article analyzes the organization of the banking and financial Academy of the Republic of Uzbekistan, reforms aimed at the development of its activities, their goals and results. The role of the banking and financial Academy in training, retraining and professional development of management personnel and specialists of the branches of banking, finance, tax systems and the real sector of the economy in the country and carrying out research activities in these areas has been investigated.